

ПЗ-2014-0911172823 АДСС 15.28.4

**Ўзбекистонда ўсадиган маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги ўт
хайдовчи дори воситасини яратиш**

Лойиха раҳбари – фарм.ф.д., проф. А.Я. Ибрагимов

Илмий адабиётлар маълумотларига ҳамда халқ табобатининг тажрибаларига асосланиб мойчечак гуллари, ялпиз барглари (Ўзбекистонда кенг ва мувафақиятли маданийлаштирилган), бўзnoch гуллари, буймадарон ўти, далачой ўти ва тоғ дастарбоши гуллари (маҳаллий ёввойи холда ўсуви ўсимликлар)дан фойдаланиб, ўт хайдовчи йиғмалар таркиби ишлаб чиқилди. Жадвалда ушбу йиғмаларнинг таркиби келтирилган. Йиғмалар таркиби жихатидан яқин бўлиб, уларга киритилган ўсимлик миқдорида фарқ қиласди. Ушбу йиғманинг фармакологич кафедраси ходимлари билан хамкорликда тахлил қилиб, тегишли хуносалар олинди.

Ишлаб чиқилган йиғмаларнинг таркибий қисмлари

№	Хом ашё номи	№1 йиғма таркиби	№2 йиғма таркиби	№3 йиғма таркиби
1.	Мойчечак гуллари	10,0	5,0	10,0
2.	Бўзnoch гуллари	10,0	5,0	-
3.	Ялпиз барглари	5,0	10,0	-
4.	Далачой ўти	5,0	5,0	-
5.	Дастарбош гуллари	10,0	5,0	10,0
6.	Буймадарон ўти	-	-	15,0

Фармакология кафедраси хамкорлигига олиб борилган фармакологик тадқиқотлар хар учта йиғманинг ўт хайдаш фаоллигини кўрсатди. №1 йиғма- 151,2%, №2 йиғма- 145,6%, №3 йиғма - 150%. ўт хайдашни ошириши аниқланди. Олинган натижалар барча йиғмалар юқори ўт хайдаш фаолликга эга эканлиги ва биринчи таркиб юқорироқ кўрсаткичга эга эканлигини кўрсатди. Бўзnoch гулларининг адабиёт маълумотларига кўра юқори самарадорлигига асосланиб, уни 2 та йиғма таркибига киритилган. Бироқ бўзnoch гулларининг камёблигини инобатга олиб, ушбу ўсимлик хом ашёси йиғма таркибига киритилмаган №3 йиғма устида тўхталиш маъқул деб топдик. Кейинги изланишлар бўзnoch гулларининг камёблиги ва шу туфайли қимматлигини кўрсатди (захираси кескин камайган). Шу туфайли бўзnoch гулларини йиғма таркибига киритилмаслик режалаштирилди.. Ўзбекистонда кенг ўстириладиган мойчечак гуллари, буймадарон ўти ва тоғ дастарбоши гулларидан иборат ўсимлик йиғмасининг экстракти лаборатория каламушларида синаб кўрилганда ўт хайдаши 150% дан ошиқлигини кўрсатди. Ушбу йиғманинг биологик самарадорлиги жигарда фосфолипидлар алмашинувини бошқариш, ўт пуфаги сфинктерига спазмолитик таъсири туфайли сафро оқимининг меъёрлашуви билан асосланади. Хамда адабиёт маълумотларига кўра йиғманинг таркибida фенолкарбон кислоталари, flavonoid бирикмалари борлиги билан изоҳланади. Йиғма таркибига киравчи ўсимликларднинг таркиби эфир мойлари,

терпеноидлар, аччиқ ва ошловчи моддалар, органик кислоталар, минерал тузлар билан бир қаторда хлороген, розмарин, кофе, ферул кислоталари ва уларнинг гликозидлари, кверцетин, лютеолин, апигенин ва уларнинг гликозидларидан иборат флавоноидлар ҳам сақлайди.

Ўт ҳайдовчи йифманинг сифатини белгиловчи сонли кўрсаткичларини ўрганиш режалаштирилган. Бундай кўрсаткичлардан йифманинг намлиги, умумий кули, 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули, ўз табиий рангини йўқотган қисмлар, йифма таркибига кирувчи ўсимликларнинг хом ашё бўлмаган қисмлари, тешигининг диаметри 5 мм бўлган элакдан ўтмайдиган ва тешигининг диаметри 0,3 мм бўлган элакдан ўтадиган майда қисмлар, органик ва минерал аралашмалар миқдорларини аниқлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткичлардан йифманинг намлиги (8,4%), умумий кули (9,2%), 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кули (3,1%), тешигининг диаметри 5 мм бўлган элакдан ўтмайдиган (4,7%) ва тешигининг диаметри 0,3 мм бўлган элакдан ўтадиган майда қисмлар (3,9%) миқдори аникланди. Органик ва минерал аралашмалар миқдори йифмани таркибида топилмади.

Ўт ҳайдовчи йифманинг таркибига кирувчи хом ашёлар- буймадарон ўти ва тоғ дастарбоши гуллари керакли миқдорда йифилди. Бунинг учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига хизмат сафари уюштирилди. (Буйруқ №24 13.07.2015 й.) Йифилган хом ашё тегишли меъёрий техник хужжатлар асосида қуритилди ва майдаланди. Ўсимлик хом ашёсига товаршунослик тахлил ўтказилди ва сифатига баҳо берилди. Сифатига баҳо беришда хом ашёни ташқи кўриниши, сифат реакциялари, микроскопик тахлил, намлиги, кули, ранги ўзгарган ва қорайган қисмлари, органик ва минерал аралашмалари, миқдорий тахлили ўрганилди.

Маҳаллий ўсимликлар хом ашёсидан: доривор мойчечаги (*Matricaria recutita L.*), оддий буймадорон (*Achillea millefolium L.*) ва тоғ дастарбоши (*Tanacetum pseudoachillea C.Winkl.*)лардан тайёрланган ўт ҳайдовчи йифманинг полифенол бирикмаларини аниқлаш ва стандартлаш амалга оширилган. Йифманинг 70%-ли спиртли ажратмаси ЮОССХ ёрдамида ўрганилиб таркибида фенолкарбон кислоталар (ФКК) борлиги аникланди. Асосий ФКК қаторига розмарин ва хлороген кислоталар, флавоноид бирикмаларидан (ФЛБ) асосийси рутин деб аникланди. Олиб борилган ишлар натижасида ФКК ва ФЛБ миқдорини битта хроматограмма воситасида аниқлаш мумкинлиги, ҳамда ЮОССХ усули билан ўт ҳайдовчи йифмани ва ундан олинган ажратмани тахлил қилиб стандартлаш мумкинлиги исботланди. Бундан ташкари, фенол бирикмалар умумий миқдорини (ФКК + ФЛБ) уларнинг Фолин реактиви билан рангли реакцияси орқали колориметрик аниқлаш имконияти кўрсатилди.